

## "Имом Бухорий" масжиди фойдаланишга топширилди!



10:00 / 26.09.2021 1470

Бухоро вилоятида қатор масжидлар мўмин-мусулмонлар ихтиёрига топшириляпти. Жумладан, бугун Ёждувон туманидаги “Имом Бухорий” жоме масжиди очилганидан кўплаб мўмин-мусулмонлар беҳад шод.

Сўнгги йилларда масжидда ҳам намозхонлар сони ошиб, эски услубда қурилган масжид торлик қилиб қолаётган эди. Шу боис мазкур масжидни ҳомий ва саховатпеша тадбиркорлар кўмагида қайта қурилди. Бу жоме кўп йиллар мўмин-мусулмонларга хизмат қилади, иншоаллоҳ.

Масжид очилишида Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари Э.Мажидов, Ёждувон туман бош имом-хатиби Ориф домла Амонов, Мир Араб олий мадрасаси ректори устоз Ҳайдархон домла Йўлдошхўжаев ва масжид имом-хатиби О.Рузиев қатнашди.

Маълумот учун, масжиднинг эски биноси 150 кишига мўлжалланган эди. Ёмғирли, қорли-қировли кунларга тўғри келадиган жума ва икки ҳайит байрамида намозхонлар ибодат қилиш учун қийналиб қолишаётган эди. Янги жоме ўз бағрига 1 000 кишидан зиёд намозхонни сиғдиради.

Жоме масжиднинг янги биносига иссиқ пол ётқизилди. Эндиликда совуқ кунларда намозхонлар эмин-эркин, хотиржам ибодатларни адо этади.

Аллоҳ таоло бу масжидни доимо обод байтлардан қилсин. Унинг қурилишига ҳисса қўшган барчага улуғ ажрлар ато этсин, бундай хайрли ишлар юртимизда бардавом бўлсин.